

Ўз вақтида огоҳлантириш, қутқариш ва ёрдам бериш асосий вазифамиздир!



Vaziyat

2023 йил
15 июнь
№ 24 (913)



Ўзбекистон Республикаси Фавқулдда вазиятлар вазирлиги нашри ○

Газета 2004 йил 7 майдан чиқа бошлаган



ШАРАФЛИ КАСБ ЭГАЛАРИГА ЭЪТИБОР



Янги Ўзбекистон давридаги ислохотлар жараёнида Фавқулдда вазиятлар вазирлиги тизимидаги қутқарувчилар хизмат фаолияти билан боғлиқ шарт-шароитларни янада яхшилашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Тошкент вилояти Паркент туманининг олис ҳудудида жойлашган Қизилтоғ шаҳарчасини ёнғин ва бошқа тусдаги фавқулдда вазиятлардан муҳофаза қилувчи 4-касбийлаштирилган ёнғин-қутқарув қисми биносини бугунги замонавий талаб даражасига келтириш юзасидан амалга оширилган тадбирлар ҳам шулар жумласидандир.

Мазкур бино 1956 йилда қурилган бўлиб, бу ерда шу кунга қадар капитал таъмирлаш ишлари умуман олиб борилмаган.

Бунёдкорлик ва янгиланиш тадбирлари сабабли кўркам ҳолга келган мазкур қисмда шинам ҳамда ёруғ маънавият ва маърифат хонаси, ўқув синфи, ётоқхона, ошхона, ювиниш хонаси ҳалоскорлар учун шай.

Замон билан ҳамнафас бўлган ҳолда, бинони узлуксиз электр энергияси билан таъминлаш мақсадида, 5 кВт қувватга эга бўлган муқобил ва қайта тикланувчи энергия манбалари – қуёш панеллари ўрнатилди.

Янги бинонинг тантанали очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Фавқулдда вазиятлар вазири генерал-майор А.Қўлдошев иштирок этди. Вазир ўз сўзида бугунги кунда соҳада эришилаётган ютуқлар мамлакатимизда "Инсон қадри учун!" деган олийжаноб ғоя ва шиор остида олиб борилаётган теран ислохотларнинг яққол далили эканлигини таъкидлади.

Шунингдек, тадбир якунида ёнғин-қутқарув қисмига "ИСУЗУ" русумли замонавий ёнғин ўчириш автомобили тантанали равишда топширилди.

ФВВ Матбуот хизмати.



ЁЗ – ЎТМОҚДА СОЗ

Самарқанд ҳарбий прокуратураси томонидан Каттакўрғон шаҳрида “Янги Ўзбекистон ёшлари, бирлашайлик!” шиори остида ташкил этилган тадбирда Каттакўрғон ёшлари шаҳар ҳудудидаги ҳарбий қисмлардан бирига таклиф этилиб, армия ва ёш ҳарбий хизматчилар ҳаёти билан таништирилди.



Тадбирда давлат томонидан ёшларга берилган имтиёзлар ва имкониятлар тўғрисида тушунтириш берилди. Шундан сўнг ҳарбий қисмда расм чизиш, спортнинг шахмат ва шашка турлари бўйича мусобақалар ўтказилди. Ғолиблар Самарқанд ҳарбий прокурори томонидан муносиб тақдирланди.

Бундан ташқари, тадбир давомида ҳарбий хизматчи турмуш ўртоғининг муурожаати бўйича унга тикув машинаси жамланмаси олиб берилиб, ўз-ўзини банд қилиши таъминланди.

Шерзод ҲАЙИТОВ,
Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурорининг
катта ёрдамчиси, адлия полковниги.

ТУРМУШ ДОИРАСИДАГИ ЖИНОЯТЛАР НЕГА КЎПАЙМОҚДА?

Таҳлилларга кўра, мамлакатимизда оила-турмуш доирасида содир этилган тан жароҳати билан боғлиқ жиноятлар жорий йилнинг ўтган даврида сезиларли даражада кўпайган. Бунинг сабабларини моддий етишмовчилик, ишсизлик, спиртли ичимликларга ружу қўйиш, хиёнат, рашк, мерос таллашиш, оилалардаги носоғлом муҳитнинг шаклланаётгани билан боғлаши мумкин.

Ўтган йилнинг 15 октябрь куни Фарғона вилоятининг Бувайда туманида фуқаро А.К. қайнотаси ва турмуш ўртоғи билан жанжаллашиб қолади. Жаҳлига эрк берган йигит уларни уриб, тана қисмларига турли даражада жароҳат етказди. 22 октябрда эса Қашқадарё вилоятининг Чироқчи туманида яшовчи С.Д. ўзаро келишмовчилик оқибатида қариндоши К.Р.нинг қорин ва ўнг оёқ қисмига пичоқ санчиб олади. Жанжал пайтида улар спиртли ичимлик таъсирида бўлган. Қолаверса, Қашқадарё вилоятининг Қарши туманида яшовчи, 1984 йилда туғилган Т.И. маст ҳолатда уйда ўзаро жанжал оқибатида отасининг кўкрак қисмига пичоқ билан уриб жароҳат етказди. Натижада, ота шифохонага келтирилган вақтда вафот этади. Таҳлилларга кўра, жиноятлар, келишмовчиликларнинг аксарияти мастлик оқибатида содир этилган.

Афсусланарли жиҳат шуки, жиноятларнинг аксарият қисми оилада, хонадонларда содир этилмоқда. Воқеага кўп ҳолларда болалар “томошабин” бўлишяпти. Хўш, энди айтинг-чи, ота-онасининг ҳар кунги жанжалидан безиган, оилада бахт топмаган болаларнинг келажаги нима бўлади? Қуш уясида кўрганини қилмаслигига, улар ҳам катта бўлса кимдир азобламаслигига ким кафолат бера олади?

Зеро, ҳеч нарса тўсатдан содир бўлмайди. Оиладаги носоғлом муҳит йиллар ўтиб, пировардида улкан йўқотишлар, талафотлар ва кўнгилсиз оқибатларга сабаб бўлади.

Лазизбек ТЕМИРОВ,
ИИБ Академияси 3-ўқув курси
315-гурӯҳ курсанти.

Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси ташаббуси билан “Ҳарбий прокуратура – армия прокуратураси” шиори остида Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятидаги куч тузилмалари ҳарбий қисм ва муассасаларининг аёл ҳарбий хизматчиларини ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларга малакали тиббий хизмат кўрсатиш, касалликларни эрта аниқлаш ва тиббий маслаҳатлар бериш мақсадида, вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармаси билан ҳамкорликда чуқурлаштирилган тиббий кўрик ташкил этилди.

ҲАРБИЙ ПРОКУРАТУРА – АРМИЯ ПРОКУРАТУРАСИ



Икки кун давомида ўтказилган тадбирда Республика ҳарбий прокуратураси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш кўмитаси ва Мудофаа вазирлиги масъуллари томонидан хотин-қизларни ҳимоя қилишнинг ижтимоий-ҳуқуқий асослари, уларни қўллаб-қувватлаш ва яратилаётган имкониятлар ҳақида маъруза қилинди. Шунингдек, хотин-қизларни ҳимоя қилишнинг ижтимоий-ҳуқуқий асослари, уларни қўллаб-қувватлаш ҳамда яратилаётган имкониятлар хусусида турли фикрлар баён этилди.

Сўнгра Нукус ҳарбий госпиталида хотин-қизлар чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказилди. Бундан ташқари, масъуллар томонидан ҳарбий хизматчи аёлларнинг муурожаатлари тингланди. Куннинг иккинчи ярмида ҳарбий хизматчилар учун И.Савицкий номидаги Қорақалпоғистон давлат санъат музейига ва Хива шаҳридаги “Ичан-Қалъа” давлат музей-кўриқхонасига саёҳат уюштирилди.

Гулчеҳраҳон ТУРСУНОВА,
Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий
прокурори катта ёрдамчиси,
адлия майори.

ТАРҒИБОТ

Поптуманида жойлашган ҳарбий қисмларнинг бирида “Армия прокурори куни” тарғибот-профилактикаси ташкил этилди.



Унда Наманган ҳарбий прокурори адлия полковниги Д.Раҳмонов томонидан “Ёшлар ўртасида диний экстремизм ва терроризмга қарши кураш” мавзусида маруза қилинди ва унинг ҳуқуқий асослари тушунтирилди.

Шунингдек, янги қабул қилинган қонунларнинг мазмун-моҳияти тушунтирилди ҳамда ҳарбий хизматчиларнинг муаммолари тингланди. Мутасаддиларга ижро интизомига риоя қилиш бўйича ҳуқуқий маслаҳатлар берилди.

Қурбондурди ПОЛВОННАЗИРОВ,
Наманган ҳарбий прокурори ёрдамчиси,
адлия капитани.

УЧРАШУВ

Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси бўлим бошлиғи О.Юльбарсов, бўлим ҳарбий прокурори С.Чориевлар томонидан Ўзбекистон Республикаси ФВВ-га қарашли Махсус муҳандислик-қурилиш бошқармаси шахсий таркиби билан ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олишга қаратилган тарғибот тадбири ўтказилди.



Тадбир давомида янги қабул қилинган қонунларга оид маърузалар қилинди ва иштирокчиларнинг саволлари юзасидан ҳуқуқий тушунтиришлар берилди.

Сирождин ЧОРИЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий
прокуратураси бўлим ҳарбий прокурори,
адлия капитани.

HUQUQBUZARLIKLAR PROFILAKTİKASI

O'zbekiston Respublikasi Harbiy prokuraturasi vakillari, FVV Maxsus muhandislik-qurilish boshqarmasi shaxsiy tarkibi, vazirlik Shaxsiy xavfsizlik boshqarmasi xodimi, adliya mayori Sh.Karimovlar ishtirokida “Boshqaruv tartibiga qarshi jinoyatlar” hamda “Korrupsiya – taraqqiyot kushandasi” kabi mavzularda davra suhbatlari tashkil etildi.

Tadbir davomida harbiy xizmatchi hamda xizmatchilar tomonidan sodir etilayotgan turli ko'rinishdagi jinoyatlar va ularning oqibatlari haqida tushunchalar berildi. Harbiy prokuratura xodimlari tomonidan harbiy xizmatchilarni qiy-nab kelayotgan masalalar yuzasidan huquqiy maslahatlar berildi.



Sh.AHMADALIYEV,
tarbiyaviy va mafkuraviy ishlar bo'limi
boshlig'i, kapitan.

Қашқадарё вилояти ФВБ, Адлия бошқармаси, вилоят прокуратураси, Диний идора ва Юридик хизмат кўрсатиш марказлари ҳамкорлигида ҳарбий хизматчилар ҳамда қутқарувчилар иштирокида “Биз – коррупцияга қаршимиз!” шиори остида давра суҳбатлари, учрашув ҳамда профилактик тадбирлар ташкил этилмоқда.

ИЛЛАТГА ҚАРШИ

Тадбирлар давомида коррупцияга қарши курашиш ва унинг олдини олиш тизими самарадорлигини ошириш, шахсий таркиб ўртасида коррупция билан боғлиқ нохуш ҳолатларнинг олдини олиш, тамагирлик, фирибгарлик каби жиноятлардан сақланиш, вазирлик кадр-қиммати, ҳарбий хизматчи шаънига путур етказувчи салбий ҳаракатлар содир этмаслик лозимлиги ўқитилмоқда.

Т.Тўраев,
Қашқадарё вилояти ФВБ бўлим бошлиғи, подполковник.
Ўткирбек Юлдашев,
Деҳқонобод туман ФВ бўлими бўлинма бошлиғи, майор.

ХОТИРА – МУҚАДДАС

FVV Akademiyasi huzuridagi BT va MOM rahbariyatining tashabbusi bilan bir guruh tinglovchilar ishtirokida Samarqand shahridagi tarixiy obidalariga ziyorat tashkil etildi.



Ilk manzil mamlakatimiz mustaqilligining asoschisi – O'zbekiston Respublikasining Birinchi Prezidenti Islom Karimovning maqbarasi bo'ldi. Undan so'ng buyuk ajdodlarimiz tomonidan bunyod etilgan "Registon maydoni"dagi Tillakori, Sherdor va Ulug'bek maqbaralariga ziyorat qilindi.

Tadbir barchada katta taassurot qoldirdi.

J.SAIDOV,
FVV Akademiyasi huzuridagi BTvaMOM O'TBIB boshlig'i, podpolkovnik.

Коррупция кўпгина давлатларнинг иқтисодий ва сиёсий салоҳиятига ўз салбий таъсирини кўрсатади. Шу боис, унга қарши курашиш, мунтазам равишда амалга оширилиши зарур бўлган долзарб вазифалардан бирига айланган.

КОРРУПЦИЯ НИМА?

Мамлакатимизда олиб борилаётган туб ислохотлар шароитида давлат қурилиши ва ҳуқуқий сиёсатнинг мазмун-моҳиятини аниқлаштириш унинг мақсад ва вазифаларини ислохотларнинг бугунги тараққиёти асосида шакллантириб бориш, шахс ҳамда жамият манфаатларини янада самаралироқ ҳимоя қилиш, коррупциянинг олдини олишнинг ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш эҳтиёжи вужудга келиши билан белгиланади. Коррупциянинг бир неча турлари мавжуд. Хусусан:

– маиший коррупция, асосан, мансабдор шахслар ва давлат хизматчиларининг кундалик иш фаолиятида фуқаролар билан муносабатларида кенг тарқалган;

– хусусий сектордаги коррупция хусусий сектор ҳамда ҳокимият вакилларининг тадбиркорлик субъектлари билан муносабатларида учрайди;

– давлат органларидаги коррупция давлат бошқаруви органлари, сиёсий ҳукмрон доиралар ҳамда одил судлов тизими фаолиятида учрайди.

Шундай экан, коррупциясиз келажакни биргаликда қуришимиз, бу ишни аввало ўзимиздан бошлашимиз, бу иллатнинг ҳар қандай кўринишини бартараф қилиш учун биргаликда курашишимиз зарур.

Умид Қосимов,
Тошкент шаҳар ФВБ ШХБ бош инспектори, подполковник.



Тошкент шаҳрида қурилган 5 та ер усти ҳалқа йўлидаги янги ишга туширилган бекатларда содир бўлиши мумкин бўлган фавқулдда вазиятлар ва ёнғинга қарши шайлик ҳолатини доимий яхши ҳолда тутиш, назоратни кучайтириш мақсадида Тошкент шаҳар Метрополитен ИИБ ходимлари билан ҳамкорликда Метрополитеннинг бир қатор бекатларида ёнғин ўчириш амалий-тактик машғулотлари ўтказиб келинмоқда.

ЯНГИ БЕКАТЛАРДА

Машғулотлар ва текширувларда 41 нафар ишчи-ходим билан йўриқномалар ўтилиб, бекатлардаги 100 дан зиёд йўловчига эслатма ва буклетлар тарқатилди.

Ҳозирда ушбу тадбирлар давом эттирилмоқда.

Ж.ҲАЙДАРОВ,
Тошкент Метрополитени ЁХТБ инспектори, катта сержант.

BOSH TALAB

Qashqadaryo viloyati FVB mas'ullari hamda Qarshi shahridagi 3 ta qism harbiy xizmatchilari o'rtasida seminar bo'lib o'tdi.

Unda ma'ruzachilar tomonidan korrupsiya va poraxo'rlilik harom luqma ekanligi, korrupsiyaga qarshi barcha tuzilmalarda yangicha tizim, jumladan, ichki nazoratni tashkil etish va uni amalga oshirish bo'yicha har bir tashkilotda bajarilishi lozim bo'lgan vazifalar alohida ta'kidlandi.

Bundan tashqari, shaxsiy tarkib va ular oila a'zolarining terroristik, separatistik, radikal va uyushgan jinoiy guruhlar ta'siriga tushishi, ularga homiylik qilish holatlari eng yomon salbiy harakatlar ekanligi diniy yo'nalish bo'yicha tushuntirildi.

Tohir TO'RAYEV,
Qashqadaryo viloyati FVB bo'lim boshlig'i, podpolkovnik.

ПРОФИЛАКТИКА

Тошкент вилояти ҳудудидаги сув ҳавзаларида фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаш ҳамда улар билан боғлиқ фавқулдда вазиятларнинг олдини олиш мақсадида, Қуйичирчиқ тумани фавқулдда вазиятлар бўлими ходимлари томонидан бир қатор тадбирлар амалга оширилмоқда.

Ушбу тадбирлар давомида фуқароларга тақиқланган жойларда чўмилиш ҳаёт учун хавфлилиги тушунтирилмоқда.

С.БОЙБУТАЕВ,
Қуйичирчиқ тумани ФВ бўлими бошлиғи ўринбосари, капитан.
Э.ЖУМАБОЕВ, бўлинма бошлиғи, лейтенант.

ТАБИАТ БОҒИГА САЁҲАТ

ФВВ Академияси ҳузуридаги Бошланғич тайёргарлик ва малака ошириш маркази тингловчилари иштирокида “Зарафшон” дарёси соҳиллари бўйлаб жойлашган миллий табиат боғига саёҳат ташкил этилди.

Ушбу масканда ташкил этилган музей ва ёввойи ҳайвонлардан иборат жонли бурчак, Бухоро буғулари, Зарафшон тилларанг қирғовули парваришхоналари, кўчатчилик тажриба майдонлари, миллий боғ табиатининг гўзаллиги, ўсимликлар ва ҳайвонот дунёси тингловчиларда катта таассурот қолдирди.

С.ЖУМАНОВ,
марказ катта офицери, майор.
А.ВАҲОБОВ,
фельдшер, оддий аскар.

Xorazm viloyati FVB tomonidan oromgohlarda turli targ'ibot tadbirlari, davra suhbatlari, seminarlar o'tkazilmoqda.

FARZANDLAR XAVFSIZLIGI

Bolalar o'rtasida favqulodda vaziyatlar yuz berganda to'g'ri harakatlanish, o'zi va o'zgalarga yordam ko'rsatish, fuqaro muhofazasi hamda yong'in xavfsizligiga oid bilim-ko'nikmalarni shakllantirishga erishilmoqda.

Davron RAJAPOV,
Xorazm viloyati FVB bo'lim boshlig'i, podpolkovnik.

ОРОМГОҲЛАР ШАЙЛИГИ

НКМК Ёнғин хавфсизлигини таъминлашни ташкил этиш маркази томонидан қўриқланаётган “НКМК жамғармаси” давлат муассасасига қарашли бир қанча ёзги болалар дам олиш оромгоҳларини мавсумга тайёрлаш борасида соҳа ходимлари томонидан муайян ишлар амалга оширилди.

Марказнинг қуйи тизимлари томонидан ҳозирги кунда Навоий вилояти ҳудудидаги «Сармиш» ва «Зарафшон», Самарқанд вилояти ҳудудида жойлашган «Сўғдиёна», «Болажон», «Келажак» ҳамда Тошкент вилояти Бўстонлик тумани ҳудудида жойлашган «Паҳлавон» болалар дам олиш масканлари муҳофазага олинган.

Ушбу оромгоҳларда фавқулдда вазиятларнинг олдини олиш мақсадида ўтказилган ўрганишлар давомида ёзги дам олиш оромгоҳларининг 700 нафарга яқин ишчи-хизматчиси,

тарбиячилар ва етакчилари иштирокида ёнғин хавфсизлигини таъминлашга оид 30 га яқин суҳбат ва йўриқномалар ўтказилди.

Ҳозирда ушбу тадбирлар давом эттирилмоқда.

М.ҲАЙИТОВ,
НКМК ЁХТТЭМ гуруҳ бошлиғи, катта сержант.
Ж.ШАДМАНОВ,
ШКБ ОЕХТТЭБ инспектори, капитан.



ТУНГГИ МАШҚ

“Қамчиқ” довони ҳудудида жойлашган “Қамчиқавтойул” маъмурий биносида ёнғин-қутқарув отряди шахсий таркиби иштирокида тунгги вақтда ёнғин ўчириш амалий-тактик машғулоти ўтказилди.

Машғулот давомида шахсий таркибининг жисмоний, жанговар, касбий тайёргарлик даражасини янада ошириш, фавқулodда вазиятлар, ёнғинларда тўғри ҳаракатланиш, ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш ва яна бошқа вазифалар юзасидан йўриқнома ҳамда тушунчалар берилди.

Б.АНОРҚУЛОВ,
“Қамчиқ” МҚЁҚБ ЁҚО командири,
капитан.

МАХСУС-ТАКТИК ЎҚУВ

Норин тумани ФВ бўлими томонидан 3-сонли мактабгача таълим ташкилоти тарбияланувчи ва тарбиячилари билан зилзила ва бошқа фавқулodда вазиятларда тўғри ҳаракат қилиш, муҳофазаланиш, жабрланганларга биринчи ёрдам кўрсатиш бўйича амалий машқ ўтказилди.



Бу каби тадбирлар давомида иштирокчиларга эслатма ва буклетлар тарқатилиб, видеороликлар намойиш этилмоқда.

Рустам ЭГАМБЕРДИЕВ,
Наманган ФВБ ОАВВАЖТБХҚГ
етақчи мутахассиси.

YOSH QUTQARUVCHILAR BAHSI

Olmalıq shahar hokimligi, shahar favqulodda vaziyatlar bo'limi hamda Qizil Yarim Oy jamiyati vakillari hamkorligida tashkil etilgan “Yosh qutqaruvchi” ko'ngillilar musobaqasida 16-, 18-maktablar hamda Nurafshon shahrining 4-maktablari vakillari ishtirok etdi.



Bellashuv yakuniga ko'ra Olmalıq shahrining 16-maktab jamoasi 1-o'rinni, Olmalıq shahrining 18-maktab jamosi 2-o'rinni hamda Nurafshon shahrining 4-maktab jamoasi 3-o'rinni egallashdi.

Tadbir yakunida g'olib va sovrindorlar esdalik sovg'alari bilan taqdirlandi.

Shaxzod SHERQULOV,
Olmalıq shahar FVB MTB boshlig'i,
katta leytenant.

Xurshid ELBOYEV,
Olmalıq shahar FVB 2-YQQ smena boshlig'i, kapitan.



YOSHLAR OYLI GIDA

Qashqadaryo viloyati FVB tomonidan “Er yigitning er yigitga maslahati” mavzusida 2 qismdan iborat tadbir tashkil etildi.

Ko'tarinki ruhda o'tkazilgan tadbirning nazariy qismida boshqarma mutaxassislari tomonidan qiziqarli faktlar, real voqealar, qutqaruv jarayonlari haqida yoshlarga qiziqarli ma'lumotlar berildi. Videoroliklar namoyish qilindi. Talabalar o'zlarining qiziqtirgan savollariga yetarlicha javob olishdi.

Amaliy qismda yong'in o'chirish, qutqaruv mashinalari, undagi zarur asbob-anjomlar xususida to'xtalib o'tildi.

Qutqaruv mashinalaridagi asbob-anjomlar ko'rgazmasida sohaga qiziquvchi yoshlar yong'in vaqtida qo'llaniladigan maxsus kiyimlarni kiyib ko'rib, anjomlarning qo'llanilishi bilan tanishishdi.

Bobur HAMIDOV,
Qashqadaryo viloyati
FVB bo'lim boshlig'i, katta
leytenant.

FVV Akademiyasi huzuridagi BTva-MOM o'quv guruhlari o'rtasida ko'pkurash sport musobaqasi o'tkazildi.

MUSOBAQA

Musobaqada ishtirokchilar oltita shart bo'yicha kuch sinashdilar. Musobaqa yakuniga ko'ra, to'sinda tortinish shartida 1-guruh tinglovchisi oddiy askar B.Rizayev, 100 metr masofaga yugurish shartida 1-guruh tinglovchisi, oddiy askar A.Abduhakimov, 1000 metr masofaga yugurish shartida 5-guruh tinglovchisi, oddiy askar A.Akramov, 24 kg. toshni ko'tarish shartida 4-guruh tinglovchisi, oddiy askar N.Eshnayev, armrestling kuch sinashish shartida 2-guruh tinglovchisi, oddiy askar I.Satbayev hamda arqon tortish shartida 7-guruh jamoasi birinchi o'rinni egalladi.

Musobaqa natijalari bo'yicha yuqori ko'rsatkichlarga erishgan tinglovchilarga markaz boshlig'i tomonidan esdalik sovg'alari topshirildi.

V.AMONILLOYEV,
FVV Akademiyasi huzuridagi
BTvaMOM bo'linma ofitseri, katta
leytenant.

A.VAHOBOV,
oddiy askar.

“LUOK” MCHJ OYOXTTEM Qashqadaryo viloyatidagi OYOXTTEB tarkibidagi Yong'in qutqaruv qismlarining shaxsiy tarkibi bilan “A'lochi xodim” ko'rik-tanlovining birinchi bosqichi bo'yicha saralash o'tkazildi.

KO'RIK-TANLOV

Nazariy shartga ko'ra, ko'rik-tanlov ishtirokchilarining egallab turgan lavozimi bo'yicha bilimlari test sinovlari orqali aniqlandi. Jismoniy va amaliy tayyorgarlik darajasini baholash, jismoniy va saf tayyorgarligi me'yorlarini bajarish hamda nafas olish yo'llarini himoyalovchi apparatlarda jangovar tekshiruv o'tkazish, ularning tuzilishi bo'yicha ishlab chiqilgan test sinovlari orqali belgilandi.

Jismoniy tayyorgarlik darajasi sport to'sinida tortilish, 3000 metr (1000 metr) ga yugurish, 100 metrga to'siqdan osha yugurish hamda ishg'ol qilish narvonida o'quv minorasining 4-qavatiga ko'tarilish bo'yicha sinovlar amalga oshirildi.

S.JUMANOV,
“LUOK” MCHJ OYOXTTEM
Qashqadaryo viloyatidagi
OYOXTTEB 6-YQQ boshlig'i,
mayor.

БЕЛЛАШУВ

Ўзбекистон Республикаси ФВБ ФМИ, Тошкент шаҳар ФВБ ҳамда “ЮНИСЕФ” ташкилоти билан ҳамкорликда Миробод туманидаги 154-умумтаълим мактабида Тошкент шаҳридаги 83- ва 154-умумтаълим мактабларининг “Ёш қутқарувчи” клублари жамоалари ўртасида мусобақа ташкиллаштирилди.



Тадбир якунида юқори натижаларни қўлга кiritган жамоалар ташкилотчилар томонидан рағбатлантирилдилар.

Гулжамол ХИДИРБАЕВА,
Тошкент шаҳар ФВБ ҲФХЎМ ўқитувчи-методисти.

МАШҒУЛОТ

Табиий офатни ҳеч қандай куч билан тўхтатиб бўлмайди. Бундай вазиятларда тўғри ҳаракатланиш, тактик шайликни ошириш ҳамда фавқулodда вазиятларнинг олдини олиш бўйича тадбирларни юқори савияда ташкил қилишимиз лозим.

Шундан келиб чиққан ҳолда, “Қамчиқ” МҚЁҚБ қутқарувчилари иштирокида тоғ шароитида таълимчиларни қутқариш, тўғри ва хавфсиз ҳаракатланиш бўйича амалий машғулотлар ўтказилди.

Х.ОТАМУРОДОВ,
“Қамчиқ” МҚЁҚБ АҚО
“Бешқўл” гуруҳ
командири, кичик сержант.



ФАН ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ИНТЕГРАЦИЯСИ

Тошкент давлат техника университети "Геология-қидирув ва кон-металлургия" факультети "Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги" кафедрасида икки йўналишда, яъни "Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги" ва "Меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги" бўйича мутахассислар тайёрланади.



Профессор-ўқитувчиларга меҳнатни муҳофаза қилиш ва ҳаёт фаолияти хавфсизлиги соҳасида ўз фаолиятни амалга оширадиган, давлат меъёрий талабларини биладиган ва амалда қўллашни ту-

шунадиган ёш мутахассисларни тайёрлаш вазифаси юклатилган.

Соҳа мутахассислари ишлаб чиқаришда ишчиларнинг соғлиғи ва ҳаётини сақлаб қолиш учун масъулдирлар. Шу сабабли та-

лабаларнинг малака амалиётларини ўташга катта эътибор берилади, улар билан амалиётга юборилган оқдин суҳбат ўтказиш, хавфсизлик қоидаларини тушунтириш ишлари олиб борилади, улар ишлаб чиқариш раҳбарларига бириктирилади.

Кафедра қатор ташкилотлар ва корхоналар билан шартномалар тузган бўлиб, "Enter Engeneering" МЧЖ, "ШҲҲТАНГАЗ" АЖ Газ-кимё комплекси; "O'zbek-Ko'mir" АЖ, ОКМКАЖ; "Технопарк" МЧЖ, "Артель" МЧЖ, Тошкент трактор заводи, Тошкент металлургия заводи, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги ҳузуридаги Меҳнат бозори тадқиқотлари институти, Фу-

қаро муҳофазаси институти, Тоғ-кон, геология ва саноат хавфсизлигини назорат қилиш инспекцияси ва бошқалар шулар жумласидандир.

Ҳозирда ўқув юртини битирган талабаларимиз республикамизнинг нуфузли саноат корхоналарида ўз иш фаолиятларини олиб боришмоқда. Албатта, таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг интеграцияси юқори малакали ва рақобатбардош мутахассисларни тайёрлаш ва университет рейтингини оширишга имкон беради.

**М.МУСАЕВ,
М.РАСУЛЕВА,
Л.ПЕТРОСОВА,
А.РАСУЛЕВ,
Ислом Каримов
номидаги Тошкент
давлат техника
университети
ўқитувчилари.**



ЧТО ОЗНАЧАЕТ КПП?

Контрольно-пропускной пункт (КПП) — в военном деле, а также в гражданской сфере обеспечения безопасности имеет два значения:

1. Специально оборудованное место на объекте (войсковой части, учреждении, огороженной охраняемой зоне и других) для осуществления контроля в установленном порядке за проходом людей и проездом транспортных средств на территории объекта. Под это значение также подпадают КПП, которые создаются при организации комендантской службы на дорогах.

2. Отдельная часть (либо подразделение) пограничных войск, а также место где она выполняет задачи по охране государственной границы.

Специально оборудованное место на объекте для осуществления контроля в установленном порядке за проходом людей и проездом транспортных средств на территорию объекта.

Аналоги в иных языках

В первом значении, если КПП создаётся для организации комендантской службы на дорогах, на современном этапе также используется некоторыми термин блок-пост. В некоторых англоязычных странах аналог КПП именуется термином Security checkpoint или просто checkpoint, что в буквальном переводе означает пункт проверки.

Во втором значении, когда КПП находится на государственной границе, используются термины:

англ. *border checkpoint*

фр. *poste-frontière*

нем. *Grenzübergang*

польск. *przejście graniczne*

болг. *контролно-пропускателен пункт*

укр. *прикордонний контроль*

тур. *gümrük kontrol noktası*

серб. *гранични прелаз*

рус. *проверочно-пропускная точка*

Организация КПП

Дежурство на контрольно-пропускном пункте несут, в зависимости от характеристик охраняемого объекта (категории важности, ведомственной принадлежности, формы собственности и др.), сотрудники (работники) сторожевой охраны, частных охранных предприятий, военизированной охраны, ведомственной охраны, вневедомственной охраны, военнослужащие, которые, в соответствии с национальным законодательством могут быть вооружены огнестрельным оружием, специальными средствами, экипированы защитными шлемами, бронезилетами, средствами связи, металлодетекторами.

Обычно, для прохода (проезда) через КПП, необходимо иметь специальные идентификаторы (например документы, разрешающие проезд (проход) и удостоверяющие личность (паспорт), бесконтактные карты и др.).

Наталья КРИВЕНЦОВА, начальник Секретного отделения СППСУ «Камчик» служащая.



ДАЛАЛАР ЁНМАСИН!

Ўрмон ёнгинлари – ўрмон ҳудудига тарқалаётган, ўсимликлар ёнишни бошқариб бўлмайдиган жараёнлар. Ёниш интенсивлигига кўра, ўрмон ёнгинлари кучсиз, ўрта ва кучли ёниш хусусиятига эга.

Ўрмон ёнгинлари хазон ва қуруқ ўтларнинг ёнишидан ривожланади ва дарахтларнинг ёниши билан тавсифланади. Ёнгинлар нафақат дарахтлар, балки бутун

ўрмонни қоплайди. Момақалдиноқ ҳамда дарахтларни яшин уриши оқибатида ўз-ўзидан ёнгин келиб чиқади. Чақмоқ туфайли содир бўлган ёнгинлар умумий ўрмон ёнгинлари-

нинг 2 фоизини ташкил этади. Асосий ўрмон ёнгинларининг 80 – 87 фоизи инсонлар фаолияти ёки дам олиш жойларида оловдан эҳтиётсизлик билан фойдаланишдан келиб чиқади. Ёнгинлар ўрмон ҳайвонот ва ўсимлик фондига жиддий зарар етказади.

Ўрмонда қуйидагилар тақиқланади:

– ўрмон ҳудудига ёқилган гугурт чўпи, сигарет қолдиқлари, шу-

нингдек, чўғ қолдиқларини ташламанг;

– шимшар ёки шимша бўлақларини ўрмонда қолдирманг, чунки қуёш нурлари ёндирувчи линзалар каби қуруқ ўтларнинг ёнишига сабаб бўлиши мумкин;

– дарахтлар тагида, ўрмон очиқ майдонларида ва ўтлоқларда, шунингдек, ўрмонда жойлашган далаларда хашақларни ёқманг.

ФВВ матбуот хизмати.

ҚРИМ-КОНГО ИСИТМАСИ

Қўй-эчки, қорамолларда учрайдиган иқсод каналари ҚКГИ касаллиги вирусининг сақловчиси ва ташувчилари ҳисобланади.

Касаллик фаолияти чўл зоналари, яъни табиий ўчоқлар билан боғлиқ бўлган касб эгаларида, жумладан, чўпонлар, уларнинг оила аъзолари, мол боқувчилар, сут соғувчилар, овчилар, қўйлар жунини қирқимига вақтинчалик ишга жалб этилганларда кўпроқ учраши аниқланган.

Касалликнинг яширин даври, яъни вирусни организмга киради, касалликнинг илк аломатлари рўйбга чиққунга қадар бўлган давр бир неча соатдан 7 кунгача, ўртача 2-6 кун давом этади.

Касаллик ўткир бошланиб, тана ҳароратининг кўтарилиши (39-40°C), баданнинг

совуқ қотиб қалтираши, бош оғриши, бутун тана бўйлаб мушакларнинг оғриши, касалликнинг 3-кунига келиб баданларда тошма тошиши, милк, бурун, ошқозон-ичаклардан, аёлларда бачадондан қон кетиши каби аломатлар билан намоён бўлади. Баъзи ҳолатларда касаллик оғир кечиби, беморнинг ҳаётини муҳим аъзоларидан қон кетиш натижасида ўлим қайд этилади.

ҚКГИ касаллиги геморагик белгиларсиз шаклда ҳам кечиши мумкин, яъни касалликнинг бу шаклида баданда тошмалар тошмайди, қондалашлар кузатилмайди, аъзолардан қон кетмайди, касаллик асосан иситма ва интоксикация аломатлари билан кечади.

**Ҳ.ҲАМИДОВ,
Сирдарё вилояти
ФВВ бўлим бошлиғи,
подполковник.**

ХАВФСИЗЛИК КАФОЛАТИ

Хоразм вилояти ФВВ томонидан Бог'от туманида "Талафотли зилзила оқибатларида узага келган техноген хусусиятли favqulodda vaziyatlarni bartaraf etish" mavzusida maxsus-taktik o'quv mashqlari tashkil etildi.

Unda zilzila sodir bo'lganda himoyalanih hamda binoni tark etish qoidalari yuzasidan nazariy tushunchalar berilib, bilimlar amaliy tarzda sinovdan o'tkazildi.

O'quv mashqlari davomida fuqarolarga zilzila sodir bo'lganda va boshqa texnogen xususiyatli favqulodda vaziyatlar kuzatilganda harakatlanish qoidalari bo'yicha ko'nikmalar berildi.

**Baxtigul JUMANIYAZOVA,
Хоразм вилояти Бог'от тумани ФВ бўлими
бо'линма yetakchi mutaxassisi.**



QOIDALARNI UNUTMANG!

Joriy yilning 2-iyun kuni Namangan viloyatida 2004-yilda tug'ilgan F.A. ismli fuqaro Jismoniy tarbiya universiteti 1-bochqich talabasi, Yashnobod tumani hududidan oqib o'tuvchi Chirchiq daryosiga cho'milish maqsadida jiyani bilan borishadi va ruxsat etilmagan joyda cho'milish natijasida 2004-yilda tug'ilgan F.A.ni Chirchiq daryosi o'z tubiga tortib ketishi natijasida cho'kib, uning jasadini Toshkent viloyati Yuqori-Chirchiq tumani hududida suvdan chiqarib olindi.

Bu kabi baxtsiz hodisalar barchamizdan hushyorlikni talab qiladi.

Cho'milish joylari oqova suvlar va boshqa ifloslantiruvchi manbalar chiqariladigan joylardan kamida 500 metr uzoqda bo'lishi kerak. Suv omborlari, ko'llar, daryolar, kanallar hamda boshqa oqadigan va oqmaydigan yirik suv havzalarida plyaj akvatoriyasi suv yuzasining maydoni bir nafar dam oluvchi hisobiga 5 m² va oqmaydigan suv havzalarida 10 m² bo'lishi darkor.

Bolalarning faqat 10 kishidan ortiq bo'lmagan tarkibida guruh-guruh bo'lib cho'milishiga ruxsat beriladi. Suzishni bilmaydigan bolalar alohida cho'miladilar.

10 kishidan iborat har bir guruh hisobiga bir nafar qutqaruvchi bo'lishi kerak.

I.MINBAYEV,
Yashnobod tumani FV bo'limi boshlig'i
o'rinbosari, mayor.

Toshkent viloyati Toshkent tumani "Oqibat" MFЙ Kелес йўли кўчасида жойлашган "YANGI DAVR TALABI" МЧЖ қурувчилари билан "Қурилиш жойларида ёнғинларнинг олдини олиш" мавзусида йиғилиш ўтказилди.

МУҲИМ МАВЗУДА



Мажлис давомида 4 нафар қурувчи ва ишчиға фавқуллодда вазиятларнинг олдини олиш, аҳоли турар жойларида ва қурилиш биноларида ёнғин хавфсизлигини таъминлаш қоидалари тушунтирилди. Ўрганиш жараёнларида қурилиш ишлари бўйича 11 та камчилик аниқланиб, 9 таси дарҳол бартараф қилинди. 2 масала юзасидан тегишли ишлар режалаштирилди. Қурувчиларга йўриқнома ва эслатмалар тарқатилди.

Ҳожиакбар ОРТИҚБОЕВ,
Тошкент тумани ФВ бўлими МТБ бошлиғи,
катта лейтенант.

Buxoro viloyati FVB vakillari tomonidan viloyat hududida boshqali don mahsulotlarini yig'ishtirib olish, tashish, saqlash va qayta ishlash mavsumiga tayyorgarlik ko'rish va uni o'tkazish, g'alla nobudgarchiligiga yo'l qo'yimaslik, o'rilgan g'alla maydonlaridagi somonlarni yoqmaslik borasida fermer xo'jaliklarning mutasaddi xodimlari va g'allakorlari bilan muntazam ravishda suhbatlar olib borilmoqda.

G'ALLANI YONG'INDAN ASRANG!



Mazkur tadbirlar davomida g'alla xirmonlari quruq xaslardan tozalanishi, hududida yong'inga qarshi suv havzasi qurilishi va yong'inga qarshi qalqonlar, yong'in o'chirish anjomlari bilan to'liq ta'minlanishi va boshqa vazifalar yuzasidan tushuntirishlar berilmoqda.

F.PO'LATOV,
Buxoro viloyati FVB boshlig'i o'rinbosari, podpolkovnik.

МАВСУМ МАСЪУЛИЯТИ

Булоқбоши туманида "Ғалла-2023" ўрим-йиғим мавсумида 103 нафар фермер хўжалиги томонидан 2800 гектар майдонда ғалла маҳсулотлари етиштирилган. Туманда ғалла мавсумига жами 10 дона комбайн, шундан 1 дона "Кейс" ва 9 дона "Класс" русумли комбайнлар жалб қилиниши белгиланган.

Мавсум давомида фермер хўжалиги раҳбарлари, комбайн ва ёқилғи қуйиш операторлари, ғаллага жалб этилган ишчи-хизматчилар ва фуқаролардан ёнғин хавфсизлиги талабларига риоя этган ҳолда иш ташкил этишни сўраб қоламиз.

Н.ЖЎРАБОЕВ,
Булоқбоши тумани ФВ бўлими бошлиғи
ўринбосари, капитан.

ПРОФИЛАКТИК ТАДБИРЛАР

Оқолтин туманидаги дон қабул қилиш шохобчасида дон маҳсулотларини ёнғинлардан ҳимоя қилиш ҳолати билан танишилиб, аниқланган камчиликларни бартараф қилиш бўйича қўшимча тадбирлар бажарилди.

Ишчи-хизматчиларга ёнғинларнинг олдини олиш ва содир бўлганда бартараф этиш бўйича қўшимча йўриқнома ва тушунтиришлар берилди. Тадбир доирасида шартли ёнғинни бартараф этиш бўйича амалий машғулот ўтказилди.

Ҳозирда бу каби профилактик тадбирлар давом эттирилмоқда.

Давронбек СУЛАЙМОНОВ,
Сирдарё вилояти ФВБ ахборот хизмати
бошлиғи, катта лейтенант.

Сардорбек ШЕРМАТОВ,
Оқолтин туман ФВ бўлими НТБ бошлиғи,
капитан.



ЭҲТИЁТКОР БЎЛИНГ!

Ёнғин хавфсизлиги хизмати вакиллари маҳалла профилактика инспекторлари, газ идоралари ходимлари билан биргаликда фуқаролар томонидан хонадонлар ва иш жойларда, шахсий ошхоналарда ўзбошимчалик билан газ қувурига уланиб олиш ҳолатларини бартараф қилиш чоралари кўрилмоқда.

Табиий газ кўп тарафлама фойдали бўлгани билан инсонларнинг озгина эътиборсизликлари сабабли катта ташвиш келтириши мумкин. Бу каби ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида, соҳа ходимлари томонидан тарғибот ишлари ўтказилиб, тушунтиришлар олиб борилмоқда.

Ҳозирда бу каби тадбирлар изчил давом эттирилмоқда.

Маъруфжон ҲАЙИТОВ,
НКМК ЁХТТЭМ гуруҳ бошлиғи,
катта сержант.

Жасурбой ШАДМАНОВ,
ШКБ ОЁХТТЭБ инспектори,
капитан.

ЯНГИ ҚУРИЛИШЛАРДА

Янгиқўрғон тумани ФВ бўлими ходимлари томонидан янги қурилаётган кўп қаватли бино ва иншоотларда техника ва ёнғин хавфсизлигини таъминлашга оид тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.

Ушбу тадбирларда бино ичида ўзбошимчалик билан лойиҳадан ташқари қурилиш иншоотларини олиб боришга йўл қўймаслик лозимлиги, электр тармоқларини тўғри монтаж қилиш, ёнғин содир бўлишининг олдини олиш, юзага келганда фуқароларни қутқариш, эвакуация ишларини амалга ошириш юзасидан тушунтиришлар берилмоқда.

А.ШОКИРОВ,
Янгиқўрғон тумани ФВ бўлими
НТБ бошлиғи, оддий аскар.

ХОТИРЖАМ БЎЛАЙ, ДЕСАНГИЗ...

Турар жой масканларини қуришга у ернинг табиий шароити, жинсларнинг физик-кимёвий хусусияти, биноларнинг лойиҳа чизмалари, қатъий ҳисоб-китоблар асосида чуқур ўрганиб чиқилгандан сўнг рухсат берилади.

Афсуски, бинолар аҳолига топширилгандан сўнг умумий яшаш қоидалари кўпол равишда бузилади. Ҳеч кимга сир эмаски, уйга эга бўлишимиз биланоқ ўзимизнинг шахсий эҳтиёжимиздан келиб чиққан ҳолда хоналарни ўзгартиришга берилиб кетамиз, қўшимча айвонлар соламиз, гўё «ортиқча» туялган деворлар, бурчаклар олиб ташланади, иккита хона биттага айлантирилади.

Бундай ҳолатга қатъиян чек қўйиш лозим. Кўп қаватли биноларнинг ўзига яраша хусусияти, сейсмик белбоғлари, хавфсиз бурчаклари қаерда жойлашганлиги тўғрисидаги эслатмаларни ҳар бир хонадон соҳибига етказиш зарур.

Абдурахмон ҚУТБИДИНОВ,
Янгиқўрғон тумани ФВ бўлими
бўлинма бошлиғи, капитан.

“Қамчиқ” доводнида фаолият кўрсатаётган навбатчилик масканлари ва механизациялашган назорат-гуруҳларида ташкил этилган озиқ-овқат захирасини ўрганиш ишлари амалга оширилди.

ДОИМИЙ НАЗОРАТ



Тадбир давомида озиқ-овқат захирасини санитария-гигиена талабларига риоя этган ҳолда салқин, ҳаво алмашадиган куруқ жойда, белгиланган қоидаларига амал қилган ҳолатда сақлашга эътибор қаратилди.

Шунингдек, назорат гуруҳлари таркибига жалб этилган ходимларнинг навбатчиликни ўташи ва белгиланган вазифаларни тўлақонли бажариши, уларга зарур шарт-шароитларни яратиб бериш ва яна бошқа вазифаларнинг бажарилиши кўриб чиқилиб, муҳим тавсия ҳамда кўрсатмалар берилди.

М.БАЙЧАЕВ,
“Қамчиқ” МКЎҚБ АҚО АҚГ
командири, II даражали сержант.

АМАЛИЙ ТАРЗДА

Жиззах вилояти ФВБ, ФВДТ хизматлари ходимлари томонидан Жиззах вилояти Шароф Рашидов тумани МФЙ раислари, маҳалла аҳолиси иштирокида “Аҳолини зилзилага тайёрлаш ҳафталиги” доирасида зилзила билан боғлиқ фавқулодда вазиятларда аҳоли хавфсизлигини таъминлаш бўйича объект ўқув машғулоти ўтказилди.

Тадбирда кутқарув хизматлари, фуқаро муҳофазаси тузилмаларининг зилзила билан боғлиқ фавқулодда вазиятларни бартараф этишга тайёргарлигини ошириш, шунингдек, кўп қаватли уйларида яшовчи фуқаролар томонидан ўзбошимчалик билан биноларнинг таянч устунларини бузиш ва ўзгартириш ҳолатларининг олдини олиш бўйича тарғибот ишлари олиб борилди.

Ф.РАҲМОНҚУЛОВ,
Жиззах вилояти ФВБ ҲФХҲМ
бошлиғи, подполковник.
Б.ҚОБИЛОВ, Ҳ.КАРИМОВ,
ўқитувчилар.



Бухоро вилоятида оромгоҳларда болаларнинг дам олишлари учун зарур шарт-шароитларни яратиш мақсадида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

КўРСАТМАЛАР БЕРИЛМОҚДА



Жумладан, ёнғинларнинг олдини олиш тадбирлари самарадорлигини ошириш юзасидан вилоят ишчи гуруҳ ходимлари ва ҳамкорликдаги хизматлар билан биргаликда оромгоҳларнинг ёнғинга қарши воситалар билан таъминланиши, ёнғинга қарши бурчаклар мавжудлиги ўрганилиб, мутасаддиларга зарур кўрсатма ва тавсиялар берилмоқда.

С.МУРТАЗОЕВ,
Бухоро вилояти ФВБ инспектори, капитан.

ЁНҒИНЛАРДАН МУҲОФАЗА

Янгиқўрғон туманида 2023 йилнинг 5 ойи давомида аҳоли яшаш хонадонларида 21 та ёнғин ҳодисаси қайд этилган. Содир бўлган ёнғинлар натижасида кўрилган моддий зарарлар жами 153 706 000 сўмни ташкил этган.

Бундай фожиавий ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида, Янгиқўрғон тумани фавқулодда вазиятлар бўлими ходимлари туманда жойлашган хонадонларга бориб, табиий, техноген фавқулодда вазиятлар ва ёнғинларнинг олдини олиш бўйича керакли тавсиялар ва кўрсатмаларни бериб келмоқдалар.

М.ЭРГАШЕВ,
Янгиқўрғон тумани ФВ бўлими инспектори,
капитан.

Quvasoy shahar favqulodda vaziyatlar bo'limi xodimlari tomonidan “Polmon” MFY hududidan oqib o'tuvchi Besholish soy hududida profilaktik reytda tadbirlar amalga oshirildi. Tadbirlar davomida soy bo'yiga chiqqan yoshlar ruxsat etilmagan joylarda cho'milmaslik bo'yicha ogohlantirilib, tushuntirish ishlari olib borildi.

REYDLAR DAVOM ETADI



Shuningdek, “Sufon” MFYda g'alla o'rimiga mo'ljallangan kombaynlardagi mavjud yong'inga qarshi birlamchi vositalar ko'zdan kechirildi. Mas'ul shaxslarga mutaxassislar tomonidan tavsiyalar berildi.

Rahimjon MELIBOYEV,
Quvasoy shahar FV bo'limi boshlig'i,
podpolkovnik.

Dehqonobod tuman hokimligi va mutasaddi tashkilotlar ishchi guruhi tomonidan fuqarolar o'rtasida taqiqlangan suv havzalarida cho'milishning oldini olish bo'yicha targ'ibot-tashviqot tadbirlari tashkil qilinmoqda.

OGOHLIK

Shuningdek, “Katta va Kichik O'ra” daryosi, “Topqopchug'ay” suv ombori, “Dehqonobod” suv ombori va Konsoy kanalida reydlar o'tkazilib, nazorat-kuzatuv postlarining faoliyatini kuchaytirish ishlari tashkil etilmoqda.

Sog'lomlashtirish maskanlarida suvda cho'kish bilan bog'liq baxtsiz hodisalarning sabablari tushuntirilib, mutasaddilarga zarur tavsiyalar berilmoqda.

O'.YULDASHEV,
Dehqonobod tumani FV bo'limi
bo'linma boshlig'i, mayor.

ХОТИРЖАМЛИК УЧУН

Сайхунобод тумани ФВ бўлими ходимлари томонидан ғалла майдонларида ўрим комбайнлари ва ташувчи техникаларнинг хайдовчи-операторлари билан ёнғин хавфсизлигини таъминлаш ҳамда фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш бўйича тарғибот тадбирлари ташкил этилмоқда.

Мазкур тадбирлар давомида техникаларнинг созлигини назоратдан ўтказиб туриш, ёқилғи куйиш ишларини белгиланган талаблар асосида бажариш бўйича эслатмалар тарқатилмоқда.

Булардан ташқари, рухсат этилмаган жойларда чўмилаётган фуқаролар билан тушунтириш ишлари олиб борилиб, бу каби ҳаракатларнинг аянчли оқибатлари таъсирчан тарзда етказилмоқда.

Э.ХУДОЙҚУЛОВ,
Сайхунобод тумани ФВ бўлими бошлиғи
ўринбосари, майор.
Ж.ЭШМУМИНОВ,
Сайхунобод тумани ФВ бўлими
НТБ бошлиғи.

Мингбулоқ тумани ҳудудидан оқиб ўтувчи Сирдарё ҳамда Охунбобоев каналлари чўмилиш тақиқланган каналлар ҳисобланади. Чўкиш ва бошқа нохуш ҳолатларнинг олдини олиш юзасидан фавқулодда вазиятлар бўлими ходимлари билан ҳамкорликда профилактик тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.

ТУШУНТИРИШ ИШЛАРИ

Шу ўринда нафақат туманимиз аҳолисидан, балки бутун вилоятимиз аҳолисидан чўмилиш қоидаларига риоя қилиш, белгиланмаган жойларда нафақат ўзлари, балки фарзандларининг ҳам чўмилишларига йўл қўймасликни сўраб қолар эдик.

Ғулмжон ИСМАЙИЛОВ,
Мингбулоқ тумани ФВ бўлими
бошлиғи ўринбосари,
подполковник.

ТАҲЛИЛ ВА ТАВСИЯ

Зангиота туманидаги 22-ЖИЭКда профилактик тадбир ташкил қилинди. Унда тумани ФВ бўлими масъул ходимлари иштирок этиб, тадбир қатнашчиларига ёнғин ва бошқа тусдаги фавқулодда вазиятлар, уларнинг олдини олиш, юзага келганда тўғри ҳаракатланиш бўйича маълумотлар бериб ўтди.

Учрашув якунида фавқулодда вазиятларда тўғри ҳаракатланиш бўйича эслатмалар тарқатилиб, иштирокчиларнинг саволларига атрофлича жавоб берилди.

Қобил АШИРОВ,
Зангиота тумани ФВ бўлими
бошлиғи ўринбосари,
майор.

Биласизми?

ШАМОЛ КУНИ

15 июнь – сайёрамизда дунё миқёсидаги шамол куни (GlobalWind Day) нишонланади. Бир қарашда ғаройиб бўлиб туюладиган бу байрамнинг ташаббускорлари Европа уюшмаси ва Халқаро Шамол энергияси Кенгаши бўлган. Уни ўтказишдан мақсад — жамоатчилик диққатини шамол энергиясининг улкан имкониятларига қаратиш ҳисобланади.




15 июнь – халқаро сайр қилиш куни. Бу кун ҳаммага асосий ишларидан ортиб, сайр қилишга имкон беради. Кимдир ўз ўртоғи билан сайр қилиб, ўз ҳаёти ҳақида гапириб бериши ёки ўртоғини тинглаши мумкин.

Ота-оналар бу куни ўзларининг фарзандлари билан сайр қилиб, болаларига байрам уюштирадilar. Кўпинча ота-оналар болалари билан шуғулланишга вақт топа олмайдилар. Уларнинг назарида болалари катта бўлиб қолгандек туюлади. Лекин

САЙР ҚИЛСАНГИЗ, УНДА...

болалар ёшига қарамасдан ҳар доим ота-оналари уларга диққат-эътибор беришини, улар билан суҳбатлашишини хоҳлайдилар. Халқаро сайр куни болалар билан эрталаб тоза ҳавода югурушлар ташкил қилиш керак. Оилавий югуришлар оила аъзоларини яқинлаштиради, ақл-идрокни юксалтиради.

Интернет материаллари асосида тайёрланди.



ЙЎЛ-ТРАНСПОРТ ҲОДИСАСИДА ҚУТҚАРУВ ИШЛАРИ

Йўл-транспорт ҳодисаси (ЙТХ) содир бўлган жойда ёки унинг яқинида қутқарув гуруҳи ва бошқаларнинг хавфсизлиги биринчи ўринда бўлиши керак.

ЙТХ жойида барча хавф-хатарлар аниқланган ва тегишли чоралар кўри-

ги рўйхатни ўз ичига олади:

- қутқарув ва ёнғинга қарши ускуналар ҳамда жиҳозларнинг тўлиқ тўплами;
- қалқонли бош шлеми;
- кўзни ҳимоя қилиш воситаси;
- кесидан ҳимояловчи қўлқоплар;



гандан кейин авария-қутқарув ишлари бошлаш мумкин.

Ҳар бир йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлган жойда ёки амалий машғулотлар ўтказиш пайтида қутқарувчининг хавфсизлиги биринчи ўринда туриши лозим.

Хавфсизлик шахсий ҳимоя воситаларидан (ШХВ) бошланади ва қуйида-

- тиббий қўлқоплар (қўлқоп остидан кийиладиган ҳимоя қўлқоплари);
- нафас олиш йўлларини ҳимоя қилиш воситалари (чангага қарши ниқоб);
- ёруғлик қайтарувчи ташқи махсус кийим.

Қутқарувчилар ЙТХ жойи хавфли муҳит эканлигини доимо ёдда тутишлари зарур.



Одил ЧИНТАШЕВ,
ФВВ Академияси ҳузуридаги
ФМИ ўқитувчиси.



Vaziyat

gazetasu

Муассис:
Ўзбекистон
Республикаси
Фавқулодда
вазирлар
вазирлиги

Бош муҳаррир в.б.
Азамат СУЙОНОВ

Газета таҳририят
компьютерхонасида
саҳифаланди.

Газета ҳар ҳафтанинг
пайшанба куни чиқади.
Топшириш вақти — 15:00.
Топширилди — 15:00.

Навбатчи:
А.ҚОБИЛОВ

Таҳририятга юборилган
материаллар қайтарилмайди ва
изоҳ берилмайди.
Муаллифлар фикри таҳририят
нуқтаи назаридан фарқлиниши
мумкин.

Газетадан олинган
материаллар манбаси
кўрсатилиши шарт.

Газета Ўзбекистон
Матбуот ва ахборот
агентлигида 2007 йил
3 январда 0096-рақам
билан рўйхатга олинган.
ISSN 2091-5292

Таҳририят манзили:
100084, Тошкент шаҳри,
Кичик ҳалқа йўли, 4-уй.
Тел.: (71) 231-96-71
Телеграмм: (90) 016-87-67

Индекс:
якка обуначилар ва
ташкilotлар учун — 382

Газета
"BUSINESS PRINT DESIGN"
босмахонасида босилди.
Манзил: Тошкент шаҳри,
Сўгалли ота кўчаси, 5-уй.
Буюртма №
Бичими: А3, ҳажми: 2,0 б.т
Адади — 6630 нусха